

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси



ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI

6 / 2013



МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 70 йиллиги

Т. Мирзаев. Филология илмининг маркази	3
Тилшунослик	
Ф. Иброҳимова, А. Мадвалиев. Серқирра тилшунос	7
М. Миртожиев. Аффикация ва сўз ўзаги масаласи	11
Э. Шералиев, Д. Абдуллаева. Ўзбек шеваларининг етук тадқиқотчиси ...	17
Д. Лутфуллаева, М. Қурбонова. Болалар нутқиға хос дейктик бирликларнинг фонопрагматик таҳлили	22
Адабиётшунослик	
Б. Назаров. Умрбоқий ижод	27
М. Холбеков. Матн, интерматн ва интерматнлик	32
Д. Тўраев. Бадий асарда воқса ва характер мантиғи	39
Т. Мирзаев. Халқ ижоди хазинабони	44
Илмий ахборот	
М. Қўчқорова. Киноявий наср ва бадий шартлилик	48
М. Жўраева. Топишмоқ билан боғлиқ айтимлар	52
М. Фозилова. Драмада давр ва инсон талқини	57
Д. Салимова. Александр Наумов – таржимон	62
Г. Қўйлиева. “Юлдузли тунлар”да реалистик тасвир	67
И. Жабборов. “Ҳаким ва ажал” достонида лирик қаҳрамон	71
М. Жабборова. “Қиссаи Жамшид”да Баҳром образи	75
Н. Соатова. Шухрат шеърларининг айрим хусусиятлари ҳақида	78
А. Аллабердиев. Бухоро ўғуз шевалари лексикасига доир	81
А. Раҳимов. Жадидларнинг ўзбек тилшунослиги ривождаги ўрни	87
Ш. Ҳайдаров. Парцелляция ва сегментация ҳодисаларининг фарқли ва ўхшаш жиҳатлари	90
Х. Норхўжаева. Жараён англутувчи терминларнинг ясаиш хусусиятлари	94
Д. Зокирова. Ҳолат семантик категориясининг ифодаланиш йўллари	96
Ф. Мусаева. Жинси ифодаловчи сўзлардаги семантик ўзгаришлар	100
Е. Ширинова. Лингвистик тадқиқотларда антропоцентризм	104
О. Жумоев. Реклама матнларида имплицитлик	107
С. Нормаматов. Авланий шеърлари тилида озарбайжонча ва татарча унсурлар	109
Фанимиз заҳматкашлари	
А. Мадвалиев, З. Мираҳмедова, Д. Худойберганова. Машхура Туропова	113
Танқид. Такриз. Библиография	
Д. Лутфуллаева, Д. Қуронов. Образли тафаккур кўзгуси	115
М. Раҳматов. “Фаттоҳ Абдуллаев замондошлари хотирасида”	117
А. Самад. Олимнинг сўнгги рисоласи	118
Ш. Рустамхўжаев. “Бобурнома”нинг арабча нашри	120
Илмий ҳаёт	
Илмий назарий анжуман	123
Адабий алоқаларға бағишланган давра суҳбати	123

яна бир бор тасдиқлайди: – Инсоф қилинг-да, Раҳим ака, – деди, – буни сиз жувона дедингиз, жувона эмас, олти яшар бўлган катта хўкиз (С.Айний. Қуллар).

Кўриниб турибдики, дастлабки сема сўзнинг кейинги маъносида сақланиб қолмаган, яъни маъно қарама-қарши томонга ўзгариб кетган. Бу ерда маъно тораймаган ҳам, кенгаймаган ҳам, яъни ҳажмда ўзгариш рўй бермаган. Шу туфайли уни на маъно торайишига, на маъно кенгайишига кирита оламиз. Бу маъно ўзгаришини қутбий ёки антонимик маъно ўзгариши деб номлаш мумкин бўлади. Тилшуносликда мазкур ҳодиса, яъни сўзнинг қарама-қарши маънони ифодалаши *энантиосемия* деб юритилади¹⁴.

RESUME

Studying of gender category in Uzbek and the words which express gender, as well as the ways of semantic development of those words are analyzed in this article.

¹⁴ Қаранг: Ш е р ц а л ь В. И. О словах с противоположными значениями (или о так называемой энантиосемии) // Хрестоматия по истории русского языка. М., 1973. С. 261; П р о х о р о в а В. Н. Энантиосемия в современном русском языке (о причинах и условиях возникновения и функционирования слов с противоположными значениями) // Вопросы русского языкознания. Вып. I. М., 1976.

Екатерина ШИРИНОВА

ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚОТЛАРДА АНТРОПОЦЕНТРИЗМ

Бугунги кунда антропоцентризм илмий тадқиқотларнинг энг нуфузли тамойиллари сирасига кириб, улар орасида етакчилик қилиб келмоқда. Антропоцентризм тамойили қатор олимлар томонидан изоҳланган бўлиб, Е.С.Кубрякова уни қуйидагича таърифлайди: “Барча назарий фикрларнинг асосий бурчагига инсонни қўйиш тамойилига мувофиқ инсон нафақат у ёки бу ҳодисаларнинг таҳлилига жалб этилади, балки у мазкур таҳлил ва якуний мақсадлар истиқболини ҳам белгилаб беради”. Бунга ҳамоҳанг фикрларни ўзбек тилшуносларининг тадқиқотларида ҳам кўриш мумкин.

Тилшуносликда антропоцентрик парадигманинг шаклланишига тил фактларини кўриб чиқишнинг Звигенцев томонидан “ўз ҳолатидаги тил” ва “фаолиятдаги тил” тарзида белгилаб олинувчи икки аспекти ажратиб олиш зарурати туртки бўлди. Ушбу аспектиларни тилнинг статик ҳолати ҳамда динамик ҳолати тарзида ҳам ифодалаш мумкин.

Инсон назарий ва амалий фаолиятининг бошланғич нуқтаси инсоннинг ўзидир. Ҳар қандай воқеа-ҳодисанинг марказида инсоннинг ўзи туради. Зеро, антропоцентризм ясама сўз бўлиб, у антропо... (юн. *anthropos* – одам) – одамга алоқадор эканликни билдирувчи ясама сўз таркибий қисми (масалан, антропология, антропометрия) ҳамда центризм – марказга олиш сўзларининг қўшилишидан ҳосил бўлган ва юқорида келтирилган маънони ифодалайди. Бу хусусда қатор олимлар ўз мулоҳазаларини баён қилганлар. Жумладан, Г.В.Колшанскийнинг ёзишича: “Инсон субъект сифатида энг аввало атроф-муҳит – табиат билан, сўнгра ижтимоий олам билан, кейинчалик алоҳида индивид билан ва ниҳоят ўзи билан муносабатга киришади”.

Антропоцентризм инсонни бир бутун, яхлит ҳолда ўрганишга даъват этади. Инсон ўз тили билан муносабатга киришган ҳолда “тил шахси” мақомига эга бўлади¹. Замонавий тилшунослик ўзида тил системасининг инсонга максимал яқинлигини ифода этувчи антропоцентризм тамойилига асосланади. Бунинг исботини Ю.Д.Априсян, Н.Д.Аругюнова, Р.А.Будагов, Г.А.Золотова,

¹ Караулов Ю. Н. Русский язык и языковая личность. М.: Наука, 2004. С. 261.

Ю.Н.Караулов, Г.В.Колшанский, Е.С.Кубрякова, Б.А.Серебренников, Ю.С.Степанов ва бошқаларнинг илмий ишларида кўришимиз мумкин.

Антропоцентризмнинг илмий тадқиқотларнинг асосий тамойилига айланишининг сабаби унда инсон у ёки бу ҳодисаларнинг таянч нуқтаси бўлиб, унинг ўзи мазкур таҳлилга жалб этилади. Дарҳақиқат, тил инсонгагина хос бўлган хусусият бўлиб, уни тафаккурдан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун тилни, унинг сатҳларини антропоцентрик парадигмада, яъни маълум бир тил ҳодисаларига инсон омилининг таъсирини ҳам инобатга олган ҳолда тадқиқ қилиш яна ҳам кенгроқ имкониятлар эшигини очиб беради. Чунончи, тил ҳодисалари ўз-ўзидан эмас, балки бевосита инсоннинг амалий фаолияти, мулоқоти жараёнида такомиллашади, янгиланиб боради, унинг баъзи бирликлари истеъмолдан чиқади. Тил ўз ҳолича мавжуд бўла олмайди. Тилнинг шаклланиш нуқтасида ҳам, мақсад йўналтирилган якуний нуқтасида ҳам инсон туради, яъни тил инсон томонидан қўланади ва унга хизмат қилади. Мазкур жараёнда бевосита инсоннинг ақлий, руҳий ҳолатлари тилга ўзининг сезиларли таъсирини ўтказди. Инсон психикаси, тафаккури жуда мураккаб. Тафаккурнинг тилда ифодаланиши ва ўз навбатида тил реаллашуви орқали маълум фикрларнинг шаклланиши – табиатда сувнинг айланиши сингари тўхтовсиз, абадий жараёндир.

Бугунги тилшуносликнинг антропологик асослар замирида барпо этилиши ҳам “Инсон ва тил” ягона назариясининг яратилишини назарда тутди. Дарҳақиқат, “Тилда инсон” ёки антропоцентризм тамойили дунё тилшунослигида узоқ вақтлардан бери диққат марказидаги масаладир. XX асрнинг охирларидаёқ И.А.Бодуэн де Куртенэ ўзининг “Фонология” (1899) ишида антропофоника тўғрисида фикр юритади ва уни инсоннинг нутқ товушларини ўрганувчи фан сифатида изоҳлайди².

Тилшунослик фанида антропоцентризм тамойилининг турлича талқинлари мавжуд. Биринчи ёндашув тил ҳақидаги фан объектига “тил шахси”ни кўшишни назарда тутди. Иккинчи ёндашув ҳам тилни инсоннинг бир қисми сифатида тан олиш билан боғлиқ бўлиб, замонавий лингвистик фалсафада ўз аксини топмоқда. Учинчи ёндашув инсонни тилшунослик предмети сифатида тадқиқ этади. Охирги ёндашув эса тилни инсонни инсон қиладиган ташкил этувчи сифатида тан олишга асосланган. Антропоцентрик тамойилни амалга оширишнинг охирги ёндашуви В.Гумбольдт томонидан ишлаб чиқилган³ бўлиб, мазкур ёндашув инсоншунослик ва тилшунослик фанларининг лингвосоциология (социолингвистика), лингвогносеология, лингвоэтнология (этнолингвистика), лингвопалеонтология ва ниҳоят лингвокультурология ва тил фалсафаси каби йўналишларида тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Айрим тадқиқотчилар мазкур ҳолатни XX аср филологиясидаги “антропоцентрик силжиш” деб атаганлар. Антропоцентрик аспект тил ва тафаккур муносабати, тил ва нутқнинг вужудга келиши, замонавий оғзаки нутқ, лексикология, лексикография, когнитив лингвистика, оламнинг тил манзарасини ўрганишга бағишланган турли йўналишлари сингари масалаларга бағишланган кўп сонли замонавий тадқиқотларнинг ҳам асосини ташкил этади. Уларда қайд қилинган фикрларга таянган ҳолда тил ва унинг сатҳларини антропоцентрик парадигмада тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ деган хулосага келиш мумкин. Хусусан, ўзбек тилига бу тарздаги ёндашув сўнгги йилларда кириб келди ва тилшуносларимизнинг эътиборини жалб этди. Антропоцентризм тамойилининг тилни тадқиқ қилишдаги аҳамияти, ўзбек тилидаги матнларни антропоцентрик парадиг-

² Бодуэн де Куртенэ И. А. Избранные труды по общему языкознанию. Тт.1–2. М., 1963. С. 354.

³ Гумбольдт В. Язык и философия культуры. М., 1985. С. 383.

мада тадқиқ қилиш муаммоларига бағишланган⁴ илмий асарлар юзага келди.

Ҳозирги кунга келиб тилшуносликда антропоцентрик омил ўз ўрнига эга бўлдики, бунинг оқибатида лисоний методология антропоцентрик тамойил билан бойиди, когнитив тилшунослик, психолингвистика лингвокультурология каби соҳалар тил ҳодисаларини “тилнинг ичида” эмас, балки тил эгалари билан муносабатлари асосида тадқиқ қилмоқдалар. Терминологияга бағишланган тадқиқотларда соҳа терминларининг семантик-структур хусусиятлари, шаклланиш ва тараққий этиш манба ва усуллари, соҳа терминларининг луғатларда берилиши сингари жиҳатлари қамраб олинган. Тилшуносликнинг ҳозирги талабларидан келиб чиқиб, истиқболда бажарилиши кўзда тутилган терминологик тадқиқотларни юқоридаги тилга олинган масалалар билан бир қаторда антропоцентрик парадигмада ҳам тадқиқ қилиш янада мақсадга мувофиқ бўлади.

Тадқиқотларда антропоцентрик тамойилни қўллашга туртки бўлаётган омиллардан бири тилшуносликда инсон омили етакчи мавқега эга бўлиб бораётганлиги билан бир қаторда иқтисод фанларида ҳам “...фан-техника инқилоби авж олиб бораётган шароитда инсон омили унсурлари жамият тараққиётини белгилаб берувчи ижтимоий, демографик, иқтисодий ва сиёсий тузилишга эга бўлган жамият ҳаётининг бир жамоавий субъекти...”⁵ сифатида қаралаётганлигидир.

Инсон деярли барча фанларнинг тадқиқот объекти бўлганлиги учун терминологик тадқиқотларда инсон омилни тадқиқ қилиш жараёнида аниқ тасаввурларга эга бўлиш мақсадида фалсафа, психология сингари фанларнинг худосаларига мурожаат қилишга тўғри келади. Зеро, “тилшуносликдаги энг янги йўналишлар айнан унинг бошқа фанлар чорраҳасидаги “кесишуви” билан узвий боғлиқ бўлиб қолмоқда”⁶. Мазкур ҳолатда инсон омили деганда инсонга хос бўлган умумий хусусиятлар: унинг руҳияти, иродаси, қизиқишлари, мотивлари инобатга олинади. Жумладан, тилшуносликка турли психологик категориялар ўзлаштирилиб, улар ўзаро ҳамоҳангликда тадқиқ қилинмоқда.

Ҳар бир индивиднинг ўзига хос жиҳатлари тил структураси, унинг қўлланилиш кўламига таъсир этиши мумкинлигини назарда тутиш, инсоннинг ижтимоий мавқеини лингвистик нуқтаи назардан англаш муҳим.

Биринчидан, ижтимоий мавқе (статус) жамиятни бирлаштириб турувчи элемент сифатида қатор тил бирликларининг семантикасида у ёки бу кўринишда барқарорлашган ҳолда инсонларнинг ҳулқини белгилайди. Статус – норматив категория бўлиб, статусли муносабатларни таҳлил қилиш жараёнида табиий тилда кодлашган ҳолатда мавжуд бўлган жамият тузилишининг тамойилларини ўрганиш мумкин.

Иккинчидан, ижтимоий мавқе (статус) прагматик моҳиятнинг баҳо бериш, модаллик, эмотивлик, стилистик регистр сингари турли белгилар қаторига кирувчи компонентидир. Уларнинг табиати, ўзаро алоқадорлиги, танлов комбинаторикасини аниқлаш маълум даражада тилнинг прагматик жиҳатининг спецификасини аниқлаш демак. Инсоннинг ижтимоий мавқеи прагматика базасидаги социолингвистика ва лингвистик семантиканинг тушунчалар тизимини бирлаштирувчи мавҳум тушунчалар сирасига киради⁷.

⁴ Қаранг: Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллариши излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти, 2012, 5-сон, 6–7-беглар; Худойбергенова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. Тошкент, 2013.

⁵ Заславская Т. И., Рыбкина Р. В. Социология экономической жизни: Очерки теории. Новосибирск, 1991. С. 35.

⁶ Раҳимов А. У. Ўзбек тилшунослиги тараққиётининг эмпирик, назарий ва метаназарий босқичлари // Тилшуносликнинг долзарб масалалари. VI китоб. Тошкент, 2013. 69-бет.

⁷ Карпухина Н. М. Лексико-семантические процессы в русской терминологии товарно-денежного обращения. ДД. М., 2007. С. 329–330.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, тил-маданият-этнос ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, тилшуносликнинг замонавий парадигмаси терминологик тадқиқотларни инсон омилини инобатга олган ҳолда антропоцентрик таъмоийил асосида олиб боришга кенг имкониятларни очиб бермоқда. Чунончи, лингвистик тадқиқотларнинг замонавий босқичида тилни фақат мулоқот воситаси сифатида эмас, халқ маданиятининг ажралмас компоненти сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқлиги маълум бўлиб бормоқда. Бу ҳолат, ўз навбатида, тилшунослик, психология, фалсафа сингари қатор фанлар захирасини янгидан-янги билимлар билан бойитишга хизмат қилади.

RESUME

In given clause the different treatments of a principle anthropocentrism in world (global) linguistics are resulted, the meaning(importance) of this principle in terminological researches is considered(examined).

Ориф ЖУМАЕВ

РЕКЛАМА МАТНЛАРИДА ИМПЛИЦИТЛИК

Реклама бирор-бир мақсадга эришишга йўналтирилган, одамларга онгли, ташкилий ва мунтазам равишда таъсир кўрсатадиган восита. Шу билан бирга, реклама замонамизнинг энг муҳим тарғибот ва ташвиқот воситаларидан бири бўлиб, инсоннинг қизиқиш ва хоҳиш-истакларини уйғунлаштириш, мувофиқлаштириш орқали унинг орзу, мақсадлар сари ҳаракат қилишга ундовчи омил ҳамдир. У маҳсулотнинг сифатини яхшилашга, маҳсулот яратиш ғоясини адресатнинг талаб ва эҳтиёжига мувофиқ тарзда ташкил этишга имкон яратади.

Имплицит ифодалаш – реклама матнидаги яширин мазмуннинг компоненти. Имплицитлик тушунчаси – семиологик ҳодиса. У реклама матнининг ички семантик структурасида мавжуд бўлади. Реклама матнидаги имплицитлик, яъни яширин маъно тил тизимининг бир қисмидир. Яширин маъно реклама матнларининг экспрессивлиги ва образлилигини яратувчи ўзига хос лингвистик хусусиятга эга бўлади. Маълум бўлмаган воқеликнинг фикрлаш орқали маълум воқеликка айланиши учун реклама матнларида яширин семантик компонент мавжуд бўлади.

Реклама матнларида луғавий бирлик коннотатив семаларининг юқори даражада эканлиги, кўп маънолиликдан кенг ва ижобий фойдаланиш, троплашув натижасида лексемалар денотатив семаларининг қатъий эмаслиги уларнинг ўзига хос хусусиятларидир.

Реклама матнларининг мазмунини англаб олишда адресатдан аввалдан муайян тасаввур, билимга эга бўлиш талаб қилинади. Бу ҳақда, яъни реклама матнини тушуниб олишда инференция катта ўрин тутишини реклама тадқиқотчиси А.В.Прохоров алоҳида таъкидлайди.

Инференция – бу тафаккур жараёни бўлиб, унинг натижасида инсонда лисоний бирликларнинг асл маъносини англагувчи чегарасидан ҳам кенгроқ мазмунни англаш, кўриб чиқиладиган лисоний шаклларнинг бошқа кўплаб жиҳатларини идрок этиш¹ имконияти мавжуд бўлади. Инференция

¹ Кубрякова Е. С. Язык и знание: На пути получения знаний о языке: Части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира. М.: Наука, 2004. С. 411.